



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

2022 йил 3 октябрь

Асака туман

4-1702-2202/859-сонли иш

Асака туманлараро иқтисодий судининг судья С.С.Юлдашев раислигида, судья ёрдамчиси У.Қамбаралиевнинг котиблигида, аризачи [REDACTED]

фермер хўжалигини соддалаштирилган тўловга қобилиятсиз деб топиш тўғрисидаги аризаси бўйича кўзғатилган ишни, аризачи ДСБ вакили Д.Юлдашев (ишончнома асосида), учинчи шахс Мархамат туман қишлоқ хўжалиги вакили Ш.Тўйчиев (ишончнома асосида) иштирокида, жавобгар иштирокисиз, Асака туман давлат солиқ инспекцияси биносида очик сайёр суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

[REDACTED] (бундан буён матнда аризачи деб юритилади) судга ариза билан мурожаат қилиб, қарздор "[REDACTED]" фермер хўжалиги (бундан буён матнда қарздор деб юритилади)ни соддалаштирилган тартибда тўловга қобилиятсиз деб топишни сўраган.

Суднинг 2022 йил 23 сентябрдаги ажрими билан Мархамат туман қишлоқ хўжалиги низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида жалб қилинган.

Суд мажлисида иштирок этган даъвогар вакили – қарздорликни ундириш чоралари кўрилганлигини, лекин тўловлар амалга оширилмаганлиги учун ариза киритилганлигини билдириб, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида амалга оширмаганлиги сабабли фермер хўжалигини соддалаштирилган тартибда банкрот деб топиб беришни сўради.

Учинчи шахс Мархамат туман қишлоқ хўжалиги вакили суд мажлисида, мазкур фермер хўжалигининг ғалла ва пахта учун ажратилган ер майдони мавжудлигини, шу йилнинг июн-июль ойларида ғалла режасини тўлиқ топширганлигини, пуллари келиб тушганлигини, ҳозирда пахта терими бошланганлигини, фермер хўжалиги тўловга қобилиятсиз эмаслигини, фаолият юритиб келаётганлигини билдириб, даъво асоссиз деб ҳисоблаб, даъвони рад қилишни сўради.

Қарздор суд мажлиси ҳақида хабардор қилинган, лекин иштирок этмади, ўз эътирозларини билдирмади.

Шу сабабли суд, ишни Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси(бундан буён матнда ИПК деб юритилади)нинг 170- моддасига асосан, жавобгар вакилининг иштирокисиз кўришни лозим топди.

Аниқланишича, қарздор 05.02.2018 йилда тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси орқали 573011-рақам билан рўйхатдан ўтган,



305279946 СТИР рақами олинган, 17.08.2022 йил ҳолатига 48.522.079 сўм солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд бўлган.

Мажбурий тўловлар бўйича мавжуд қарзларни ундиришга доир чораларни кўриш мақсадида, аризачи томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 115-123-моддаларига асосан солиқ қарзи ундирувини қарздорнинг мол-мулкига қаратиш бўйича 20.05.2021 йилда қарор чиқариб, Мажбурий ижро бюроси Мархамат туман бўлимига ижро этишлик учун юборган.

Мажбурий ижро бюроси Мархамат туман бўлими томонидан ижро ҳаракатларини олиб борган ва қарздорнинг мол-мулки аниқланмаганлиги сабабли ижро варақаси аризачига “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 40-моддаси 3-қисмига асосан 23.09.2021 йилда қайтарилган.

Қардор мажбуриятини бажармаганлиги, мол-мулки мавжуд эмаслиги сабабли аризачи қарздорни соддалаштирилган тартиб-таомил бўйича тўловга қобилиятсиз деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлашни сўраб, судга 18.08.2022 йилда 1 йилдан сўнг ариза билан мурожаат қилган.

ИПКнинг 211-моддасига биноан, банкротлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунга мувофиқ қардор, кредиторлар ва бошқа манфаатдор шахслар қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этишга ҳақли.

Суд жараёнида маълум бўлдики, Мархамат тумани У.Қорабоев массивидаги қардор “ [] фермер хўжалигининг ғалла ва пахта учун ажратилган ер майдони мавжуд бўлиб, 2022 йилнинг июн-июль ойларида ғалла режасини тўлиқ бажарган, пуллари ҳисоб рақамига келиб тушган, ҳозирда пахта терими бошланган, фаолият юритиб келмоқда.

Шунингдек, аризачи аризага 15.629.030,82 сўм солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан бўлган қарздорлигини ундириш тўғрисида 20.05.2021 йилдаги қарори ва ушбу қарор МИБ Мархамат туман бўлими томонидан 23.09.2021 йилда қайтарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган, қолган 32.893.048,18 сўм солиқ қарздорликни ундириш чоралари кўрилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилмаган ҳамда суд мажлисида ҳам тақдим этилмаган.

Бундан кўринадики, аризачи юқорида қайд этилган ҳолатларни ўрганмасдан ҳамда ундириш чораларини тўлиқ кўрмасдан соддалаштирилган тартиб-таомилни қўллаб судга ариза билан мурожаат қилган.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.12.2020 йилдаги ПҚ-4919-сонли қарорини 3-қисмида, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда сувни тежайдиган технологиялари жорий қилинган ер майдонлари камида 5 йил мобайнида мақбуллаштирилмайди ва иловага мувофиқ, субсидиялар ажратиш белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги қонун(бундан буён матнда Қонун деб юритилади)нинг 43-моддасига кўра, кредиторнинг қардорга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги аризасига Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий Ҳуқуқлари ҳақиндаги кодексда назарда тутилган ҳужжатлардан ташқари қарздорнинг кредитор олдидаги пул мажбуриятларини, шунингдек қарзи мавжудлигини ва



унинг миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар, тўловга қобилиятсизликнинг соддалаштирилган тартиб-таомилида ҳамда жисмоний шахснинг тўловга қобилиятсизлиги тўғрисидаги ишда суд бошқарувчисига ҳақ тўлаш харажатлари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинади.

Мазкур қонуннинг 45-моддасига асосан, давлат солиқ хизмати органининг ҳамда бошқа ваколатли органнинг қарздорга нисбатан солиқлар ва йиғимлар бўйича тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги аризаси ушбу Қонуннинг 41 ва 43-моддаларида назарда тутилган талабларга жавоб бериши керак.

Қонуннинг 55-моддасига биноан, тўловга қобилиятсизлик аломатлари аниқланмаганда; суд тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш бўйича қарор қабул қилгунига қадар кредиторларнинг билдирилган талаблари қаноатлантирилганда; сохта тўловга қобилиятсизлик аниқланганда. Суднинг қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисидаги қарори ушбу Қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам қабул қилиниши мумкин.

Юқоридагиларга кўра, суд даъвогарнинг даъво талабини асосиз деб ҳисоблайди ва даъвони қаноатлантиришни рад этишни лозим топади.

Суд, ишни кўриб чиқиш билан боғлиқ суд харажатларини ундириш талабини муҳокама қилган ҳолда даъвогарнинг даъво талабини қаноатлантириш рад этилганлиги сабабли давлат божи тўловини ундирмасликни ва почта харажатини эса зиммасида қолдиришни лозим топди.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси Давлат божи тўғрисидаги қонунининг 9-моддаси 12-бандида, давлат солиқ хизмати органлари, молия ва божхона органлари — барча ишлар ҳамда ҳужжатлар бўйича, шунингдек алоҳида юритиладиган ишлар бўйича судга аризалар берганлик учун давлат божи тўлашдан озод қилинган.

Бинобарин суд, Ўзбекистон Республикаси “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонунининг 40, 45, 55-моддаларини ва Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 211, 176-179, 186-моддаларини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.12.2020 йилдаги ПҚ-4919-сонли қарорини қўллаб,

Қ А Р О Р Қ И Л Д И :

Ариза талабини қаноатлантириш рад этилсин.

Андижон вилоят давлат солиқ бошқармаси томонидан тўланган 24.000 сўм почта харажати зиммасида қолдирилсин.

Мазкур ҳал қилув қарори устидан қонунда белгиланган тартибда шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин.

Судья

С.Юлдашев

